



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

24 январь 1971 йил, якшанба

№ 20 (14.790). Баҳоси 2 тьян.



МЕХНАТ СОВҒАЛАРИ

«КИНАП» ЗАВОДИ-СЪЕЗДЛАР САРОЙИГА

Самарқанддаги «Кинап» заводи Кремль Съездлар саройи учун мўжжалланган кудратли электротокни тўғрилайдиган механизм ларни тайёрлашга киришди. Бу механизмларни тайёрлашда корхонанинг энг таъбирли усталари, слесарлари, штовповачилари ва монтажчилари иштирок этмоқда. Корхона «58-ВК-250» маркали тўғрилейчиларнинг дастлабки туркумини шу оянинг ўзидек ишлаб чиқаради. Бу Кремль Съездлар саройи учун самарқандликлар тайёрлаган биринчи буюртма эмас. (ЎзТАГ).

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРК КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА ЭНГ МУҲИМ ИНШООТЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекшахтострой» қурилиш трести, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 160, 14, 10- «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трести, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрлиги «Ташобсельстрой» қурилиш трестларининг коллективлари КПСС XXIV съезди шарафига план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва химия, рангли металлургия саноти, энгил санот, озиқ-овқат саноти, маҳаллий санот, гўшт ҳамда сут саноти объектлари ва қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқариш объектларининг қувватларини ишга тушириш соҳасидан қимматли ташаббус бoshладилар.

Халқ хўжалигининг юнорида номлари айтилган тармоқларидаги корхоналар ва қувватларини муддатидан илгари ишга туширилиши халқ истеъмол қиладиган товарларни, минерал ўғитлар ишлаб чиқариши ҳамда қишлоқ хўжалиги мақсулотлари ештиришини кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, министрликлар ва идораларга, ташкилот ҳамда корхоналар (буюртмачилар)га ишга тушириладиган комплексларни шу йил 1 февралгача ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни, улар учун мақсуд объектларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлайдиган муддатларда зарур капитал маблағларини, машина-усуналарини ва махсус материалларни тўла ҳамда ажирати беришни топширди.

Илғор қурувчилар коллективларининг СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

АНГРЕНДАГИ «ЎЗБЕКШАХТОСТРОЙ» ТРЕСТИ

Трест коллективи жонажон Коммунистик партиянинг XXIV съезди шарафига меҳнат вақтасига оширилган социалистик мажбуриятлар олди. Жумладан, биринчи кварталнинг қурилиш-монтаж ишлари планини 25 мартда муддатидан олдин бажаришга ва трест бўлима-ларининг ҳаммасини қурилиш-монтаж ишлари бўлимига бошқаришга аўтоматлаштирилган системасига ўтказишни съезд оқиллаган кунгача таъминлашга қарор қилди. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг квартал планини 0,5 процент ошириб бажаришга қарор қилинди.

ЧИРЧИҚДАГИ 160-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 160-трест коллективи КПСС XXIV съезди шарафига, жумладан, Чирчиқ электростанция комбинатидан минерал ўғитлар ишлаб чиқарилган янги қувватларни, Чирчиқ тректор заводида пайвандлаш-пресслаш пролетини, Чирчиқдаги нон заводини, Чирчиқ трансформатор заводи учун қурилаётган ошхона ва болалар боғчасини биринчи кварталда муддатидан олдин ишга туширишга қарор қилди.

Бундан ташқари пудратли қурилиш ишларининг йиллик планини 26 декабргача бажаришга, Чирчиқ электростанция комбинатидан аммиак ишлаб чиқарилган янги қувватларни муддатидан олдин — 1 декабргача фойдаланишга топширишга қарор қилинди. Ҳазилдаги мармар заводида йилгача 30 миң тонна мармар қукуни тайёрлаб берадиган қувватлар ишга туширилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш-монтаж ишларининг таннархини пасайтириш, план топшириқларини ошириб бажариш, меҳнатнинг илмий асосда ташкил этилиши ва рационализаторлик тақлифларини жорий қилиш тақлифларида 290 миң сўмлик иқтисодий самара олиш мўжжаллаб қўйилди.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 153-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

Ленин юбилейи йили бўлган ўтган йилнинг муваффақиятлари 153-трест коллективини КПСС XXIV съезди шарафига зарбдор бўлиб ишлашга руҳлантирди. Йиллик план 18 декабрда бажарилди, меҳнат унумдорлиги 8 процент ошди. 164 миң квадрат метр, яъни пландагидан анча кўп уй-жой фойдаланишга топширилди.

НАМАНГАНДАГИ 10-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 10-қурилиш трестининг коллективи Коммунистик партиянинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Жумладан, қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 25 декабргача бажаришга, бу ишлар ҳамжамини ўтган йилдаги даражага нисбатан 25 процент кўпайтиришга қарор қилинди. Наманган шойи ва юстиюмбо газламаалар комбинатининг пардозлаш цехи тўла қувват билан муддатидан олдин, 1 декабрда ишга туширилади. Комбинатнинг лойиҳада кўрсатилган қувватини тезроқ ўзлаштиришда тўқимачиларга ердлашмоқ учун бу йил уларнинг шахарасида 15 миң квадрат метр уй-жой, бо-

ладар боғчаси, маъний комбинат, ёзи кинотеатр қуришга қарор қилинди. Янги техника ва илғор иш методларини жорий қилиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 9 процент ошириш ва ишларнинг таннархини 2 процент пасайтириш мўжжаллаб қўйилди.

«ТАШОБСЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИ

«Ташобсельстрой» трестининг қурилиш бўлималари ва унинг субпудратчи ташкилотлари КПСС XXIV съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Жумладан, биринчи кварталдаги нисбатан 10,7 процент кўпайтириш мўжжаллаб қўйилди. Квартал планидан ташқари яна 943 квадрат метр уй-жой қуриб беришга қарор қилинди.

Қурилиш-монтаж ишларининг йиллик плани 25 декабргача бажарилади. Қорасувдаги давлат эотли паррандачилик заводининг биринчи навбатини муддатидан бир ой олдин қуриб битказиш ва «Сергели» совхозда йилгача 36 миң бош чўққани ўстириб семиртиб берадиган фабрика-ни муддатидан бир йил олдин ишга тушириш мўжжаллаб қўйилди. Уй-жойларни қуриб битказиб фойдаланишга топшириш программасини ноябрь ойидек бажариб қўйишга қарор қилинди.

Шунингдек қурилиш ишларининг таннархини анча пасайтиришга эришиш ва рационализаторлик тақлифларини жорий қилиш йўли билан 115 миң сўм тежашга қарор қилинди.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҚЎЛИМИЗДА

Йилни йил қиладиган ҳам, ел қиладиган ҳам деҳқонлардир. Биз бухоролик ва қашқадарёлик меҳнатчиларнинг мурожаатини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Улар ҳаммаминг ҳам қандай қийин шароитда ҳам астойдил меҳнат қилишга, пахтадан юқори ҳосил ештиришга, бошқа тармоқларни комплекс ривожлантиришга қўшилишга қўйиб чиқдик. Бу қаҳриққа лабай деб жавоб берамиз, беш йилликнинг биринчи босқинини пахта ештириши мисли қурилмаган даражада юксалтириш билан аяқулаймиш, ҳозирдан шунга лойиқ иш қилаемиз.

РЕЗЕРВИМИЗ — 700 ТОННА

Бухоролик пахтакорларининг бу сўзлари қалбимиздан чуқур жой олди. Чунки улар деҳқонларнинг қилдидаги галларни топиб айтганлар. Пахтачиликни ривожлантириш учун жуда катта резервларга эгамиз. Бунинг бизнинг колхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

1971 йилда қишлоқ хўжалик мақсулотларини ештириши янада кўпайтириш, мажбур барча имкониятлар ва резервларни қидриб топиб, улардан кўпроқ фойдаланиш соҳасида бизнинг олдимизда тагин ҳам масъулиятли вазифалар турибди.


Бу йил ана шу навларни янада каттароқ майдонларга экамиз. Бу ҳам ҳосилдорликни кўтаришнинг муҳим омил бўлади. Хозир қайси бригада қанча майдонга шундай нава пахта экишини аниқлаб чиқдик. Шу йил билан пахтанинг ялли тоқсонини йилма-йил кўпайтириб бормиз, беш йилликнинг дастлабки босқичларидаёқ ялли пахта 700 тонна кўпайтираемиз.

Шу кунларда кўпкам экин кампаниясига тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордик. Маҳаллий ўғит жамғариш жадал

сурьатлар билан давом эттириляпти, ҳар гектар ер ҳисобига 10-15 тоннадан ўғит тўлладики. Лекин бу ишни янада кучайтириверамиз. Ариқ-зоувлар пахта экиляпти, кўп-кўпайтирилади тўзатиляпти.



РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ барча хўжаликларда кўнламга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилямоқда. Ҳамма молхоз ва совхоз устаноналарида техника мадал ремонт қилинмоқда. Юқоридаги суратда Сирдарё области Сирдарё районидagi «Май» колхозининг илгор механизатор Очил Кудратовни устанонада қуриб турибсиз. «Усельхозтехника» Урганч район бирлашмасининг коллективи ҳозирнинг ўзидек 40 тракторни ремонтдан чиқариб, тахт ичиб қўйди. Пастдаги суратда ремонтдан чиқарилиб жўнатишга тайёрланган тракторлар.



Бизда ҳамма нарса тахт. Эндки қайси пахтага қандай схемада чигит экишни аниқлаётимиз.

М. НАСРИДИНОВ, Ҳ. МУРОДОВ, Т. МИРЗАЛИЕВ — Уччи райондаги Свердлов колхоз пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари.

Шуманай районидagi Киров колхоз совхоз «Партия XXI съезди» бўлимининг бошқарувчиси,

